

ISSN 2181-6883

# PEDAGOGIK MAHORAT

2014  
maxsus son



FARZANDLARIMIZ BIZDAN KO'RA KUCHLI, BILIMLI, DONO  
VA ALBATTA BAXTLI BO'LISHLARI SHART! *L. A. Karimov*



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI



атрофида мис кўнғироқлари илиб қўйилган, тери тортилган улкан чертма асбобларини чалиб шовқин-сурон кўтарганлар. Бу ҳарбий усулдан кейинчалик, Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Амир Темур каби жаҳонгирлар ҳам ўз юришларида кенг фойдаланишган.

Ҳарбий ҳаракатлар ва маросимлар ўтказилиши даврида баъзи мусиқа асбоблари ҳарбийларнинг қурол-аслаҳа, туг, байроқ, тамгалари қаторида муҳим рамзий белги вазифасини бажарган.

Масалан, труба пуфлама сози ҳарбий кўмондоннинг алоҳида ажратиш белгиси ҳисобланса, идиофон-жом, аэрофон-най каби мусиқа асбоблари шохларнинг рамзий белгиси сифатида қабул қилинган. Мембрафон – улкан зарбли соз эса лашкарбўшиларга топширилган. Табира, чарос каби мусиқа асбоблари ҳам кўшин таркибидаги ҳарбийларнинг лавозимларини ажратиш ва белгилашда хизмат қилган. Панжикентдан топилиб, бурғусимон пуфлама созлардан иборат ҳарбий ансамбль ва уч бошли, уч кўзли, олти қўлли худонинг бўйнидаги бурғу асбоби, ушбу асбобнинг ҳарбий мусиқа амалиётида кенг қўлланилганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, аجدодларимиз меросидаги мусикий анъаналар ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Авесто. Аскар Маҳкам таржимаси. – Т., 2000.
3. Заратустра. Учение огня. Гаты и молитвы. Москва, ЭКСМО, 2008.

**Х.Сафоев,  
Ш.Абдурахмонов,  
БухДУ Ҳарбий факультети ўқитувчилари**

#### ЁШ АВЛОД ТАРБИЯ ТИЗИМИ МАЗМУНИДА ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

*Мазкур мақолада ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш жараёнида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг аҳамияти ёритилган.*

*В данной статье показано роль военно-патриотического воспитания, в системе всестороннего развития личности.*

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг бош вазифаси мустақил, ўз йўлидан ривожланаётган Ватанимиз учун, ғурур, Қуролли Кучларга нисбатан муҳаббат, жанговар ва меҳнат урф-датларимизга садоқат, ҳарбий меҳнатга ҳурмат ҳиссини ҳар тарафлама ривожлантириш, озодлик ва мустақиллигимизни, қўлимиздаги қурол билан муҳофаза қилишга доимий тайёрликни шакллантириш, ўз фуқаролик бурчини адо этишдир.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ёшларда ҳарбий хизматга кизиқишни ривожлантириш, ҳарбий касбларни эгаллаш, ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизматга тайёрлашга ёрдам беришни кўзда тутаяди.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мақсади Ватанни ҳимоя қилиш учун тайёрликни таъминлайдиган фикр, ишончини, дунё қарашни шакллантириш, унга бор кучни, керак бўлса ҳаётини ҳам бериш. Бўлажак жангчиларнинг маънавий-руҳий, ахлоқий-интизомий, жанговар хислатларини тарбиялашни тарбиялашдан иборат.

Ҳозирги пайтда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мазмуни ва жараёни Республикаимизнинг ўқув муассаса таълим тизими билан янгилаштириши, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллашуви, Ватан ҳимоясидаги инсоний омиллар ўрнининг ўсиб бориши ва жанговар меҳнат ташкилидаги кескин ўзгаришлари билан юзага келган анъаналар билан бойиши керак.

Ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлашнинг қайта кўрилиши ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мазмуний ва ташкилий-услубий томонларидан тўлароқ фойдаланишни талаб қилади. Тарбиявий тадбирлар самарадорлиги тахлили, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг амалиёти билан берилган ва текширилган анъанавий шаклларни танлаш ва мустаҳкамлаш, ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш вазифаларини замонавий шароитларда янада тўла тадбиқ қиладиган -янги шакллари кидириш зарур.

Ватанпарварлик – кишиларнинг она юртига, ўз ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан биридир, деб таъриф берилган Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида таъкидлаганидек: “Биз учун энг асосий, энг муҳим устивор мақсад тенгсиз олий неъмат мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади. Зеро, маънавий етуқликнинг муҳим белгиси ватанпарварликдир”.

Ватанпарварлик – умуминсоний қадриятларга содиқликнинг асосий тамойилларидан биридир. “Ватан” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “она-юрт” деган маънони англатади. Ватанга муҳаббат, юртга муҳаббат ҳар бир миллат кишисига хос бўлган муқаддас ва улуғ қадриятдир. Ватанпарварлик ҳар бир кишида ўз уйига, туғилиб ўсган ерига, ота-она, ака-ука, опасингилларига бўлган муносабатида акс этади. Ватанпарварлик – бу умуминсоний қадрият бўлиб, ҳар бир кишининг Ватанга бўлган содиқлигини, садоқатини ифодалайди.

Республикаимиз фуқароларининг ватанпарварлиги, ўз Ватанини севиши унга бўлган илиқ туйғусида ифодаланади. Президентимиз таъбири билан айтганда: “Ватан ҳисси – шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодир бўлганлигини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ эгизак. Бирини ҳис этиш учун иккинчисини билмоқ керак. Ўзбекистон деганда, ўзбек халқини, ўзбек деганда Ўзбекистонни тушунмоқ керак. Бирисиз иккинчисини ҳис қилиш мутлақо мумкин эмас”.

Дарҳақиқат, Ватан туйғусини ўзида мужассам этган кишигина жамият ва халқ манфаати, унинг бахт-саодати учун курашади. Шундай экан, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир киши келажаги буюк бўлган мустақил давлатимизни умумбашариятга таништиришда ва халқларимиз ўртасидаги иноқлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашда ягона м ақсад сари интиломоғи керак. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни, жумладан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи талабаларида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки мазкур ўқув юртида таҳсил олаётган талабалар микросоциумда ўзларининг муносиб ўринларини топишлари, жамият ва Ватан равнақи учун сидқидилдан хизмат қилишлари, фидойилик кўрсатишлари, сафарбарлик хислатларини намоён қила олишлари учун уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ниҳоятда зарур.

Талабаларга ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда миллий қадриятлардан фойдаланиш ҳам катта самара беради. Чунки Ватан – туғилган жой, яшаб турган туман ва вилоятгина эмас, балки, биринчи навбатда, маънавий тушунчадир. Ватан деган тушунча муқаддас ҳисга айлангандагина, ватанпарварлик туйғуси пайдо бўлади. Бунинг учун Ватанда яшаётган халқнинг урф-одатларини, улар муқаддас деб биладиган қадриятларни ўрганиш, билиш ва севиш лозим бўлади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 20-29-б.б.

## МУНДАРИЖА

## МУҲАРРИР МИНБАРИ

Маънавиятни юксалтириш йўлида.....4

## МУСИКА

Б.МАДРИМОВ. Ўзбек бастакорлари ижодида мақом ва фольклор мусика .....	6
Т.ЧОРИЕВ, Ғ.ХУДОЕВ Садриддин айний ва мусика илми.....	8
А.ГУЛБОЕВ, Н.РАХМАТОВ Ўзбек мумтоз мусикасини ўрганишнинг омиллари.....	11
Г.ҲАБИБОВА, Ж.ҲАЙДАРОВ. Аждодлар маънавий меросида мусикий анъаналар.....	13
К.АБДУЛЛАЕВ, Н.БОБОМУРОДОВА. Музыка воплощенная в природе как фактор духовного развития человека.....	14
И.ДАВРОНОВ, З.ҚЎЛДОШЕВА. Гармония человека и музыки в суфийской традиции.....	16
А.ЕРЕЖЕПОВ Каракалпакские народные музыкальные инструменты.....	17
Ш.НОРОВА, И.ҚАЮМОВ, О.КАРИМОВ Бўлажак мусика ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигида мақомларнинг аҳамияти.....	20
SAIDIY SAID VOLTA-ZODA, I.QO'SHSHAYEV, Qashqar rubobi tarixi.....	21
Б.РАҲИМОВ, Э.ФАЙЗУЛЛАЕВ. Мумтоз мусикалар воситасида бўлажак мусика ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантириш.....	22
Ж.Т.ЯРАШЕВ, Н.М.РАДЖАБОВА, М.Б.ҚАМБАРОВА. Соғлом бола тарбиясида халқ мусика ижодиётдан самарали фойдаланиш.....	24

## САНЪАТ

Ҳ.ҲАЛИМОВА, М.АБДИЕВА, Камолитдин Бехзоднинг “Муҳаммад Шайбонийхон” портрети таҳлили.....	26
М.АВЛИЁҚУЛОВ, Н.АВЛИЁҚУЛОВА. Баркамол авлод тарбиясида халқ амалий безак санъати ижодиётдан фойдаланиш.....	27
SH.BAKAYEV, SH.SHOKIROV. O'zbek xonadonlarida qo'llaniladigan milliy uslubdagi bezaklar.....	29
Н.БАҲРИЕВА Геометрик нақш композициясини тузишда тарихий материаллардан фойдаланиш.....	33
Ш.РАМАЗОНОВ, Ж.С.БОТИРОВ. Натюрморт ишлаш жараёнида акварель бўёқлари имкониятларидан фойдаланиш.....	34
Ш.ИБАДУЛЛАЕВА, М.АЗИМОВА. Ипакларда қўлнинг сеҳри бор.....	36
Н.КАДЫРОВА История одежды женщин Средней Азии.....	39
М.ВАДИЙЕВ, Д.МАМАТОВ, А.ШУКУРОВ. Chizma geometriyadan olimpiadaga tayyorgarlik ko'rish uslubiyoti.....	41
С.МУХСИНОВ, Х.ҲАЛИМОВА, А.МУХСИНОВА. “Чингиз Ахмаровнинг “Шоирлар даврасида” асаридаги рамзийлик.....	43
Г.ОСТОНОВА. Раҳим Ҳакимов ҳаёти ва унинг ижодидаги янги “Абру-бахор” усули.....	45
С.АБДУЛЛАЕВ, С.УМАРОВА. Традиционное искусство бухары: истоки и преемственность.....	48
О.САМАДОВ, Ш.ИБАДУЛЛАЕВА. Тасвириятнинг илмий асослари.....	50
С.САТТАРОВА, З.АШУРОВА. Основные приемы росписи тканей «Батик».....	52
Ш.ТОЙИРОВА, Б.НАРЗИЕВ. Тасвирий санъатда расм чизиш оркали арттерапия ва изотерапияга мурожаат.....	54
Т.ТОШЕВ, О.ШОМУРОДОВ. Тасвирий санъат таълимида педагогик технология.....	56
Ш.КОБИЛОВ. К вопросу планирования и проведения самостоятельных занятий по живописи студентов младших курсов.....	58

## ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ

Д.БАРОТОВА, О.КАРИМОВ, Л.ҲАЙДАРОВ. Мусика санъати оркали маънавий баркамол шахсни тарбиялаш.....	61
Н.БАҲРИЕВА. Санъат йўналишларида мутахассислар тайёрлашнинг психологик жиҳатлари.....	62
Р.БЕКЧАНОВ, Ф.РАҲИМОВ. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мусикий анъаналар ва кадрларнинг аҳамияти.....	65
Х.САФОВЕВ, Ш.АБДУРАҲМОНОВ. Ёш авлод тарбия тизими мазмунида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси.....	66
Н.ЁДГОРОВ. Муҳандислик графикаси фанларидан мустақил таълимни ташкил қилиш муаммолари.....	68
М. ERGASHOV, S. ABDURAHMONOV, Q. ABDULLAEV, N. ERGASHEVA Organik kimyo darslarida modulli o'qitish texnologiyalarini qo'llash.....	70
F.IKROMOVA Yosh avlod kamolotida estetik tarbiyaning ahamiyati.....	75
Н.ИСМАТОВА, Г.ТОШОВА Оилада болаларни эстетик тарбиялашда санъатнинг аҳамияти.....	77
М.ЮЛДАШЕВА, С.ҲУСЕНОВА. Болаларда мусикий тасаввурларни шакллантиришда эстетик тарбиянинг аҳамияти.....	78
И.КАМОЛОВ. Кадрлар тайёрлашда “Устоз–шогирд” анъаналаридан фойдаланиш – услубий муаммо сифатида.....	79
О'.QURBONOVA, T.NAKIMOVA Oilaviy an'ana va qadriyatlar – bolalarda mustahkam e'tiqodni shakllantirish garovi.....	81
Г.МУРОТОВА. Соғлом руҳият – саломатлик илдизидир.....	82
Б.МУСТАФОВЕВ. “Устоз – шогирд” касбий мусика таълим тизимида маънавий-ахлоқий тарбия.....	83
Г.НАЖМИДИНОВА, А.НУСРАТОВ. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий мустақил тайёргарлигини лойиҳалаш муаммолари.....	85